

*(Кенгашли тўй таркагандан кейин содир бўлган хангома)*

Хазрат Алишер Навоий «Эсиз такдир экан, кайдин билибмиз, азизим, дунёга бевакт келибмиз», деган эканлар. Хазрат бу дунёда «бадий кенгаш», «тахрир хайъати» деган нарсалар борлигини билганларида эхтимол бундай демасдилар. Тасаввур килиб кўринг: «Фарход ва Ширин»ни ёзиб, хар сахифасини кўчиртиришга битта бўлка нон нархида хак тўлаб, нашриётга ёки пьеса шаклида театруга олиб келдилар. Нашриётда «тахрир хайъати», театру ва кинода «бадий кенгаш» деб аталмиш сергак посбонлар гурухи борким, хар кандай зотга акл ўргатмак уларнинг юмушидир. Африканинг кайси бир бурчагида жон сакламакда бўлган «цензура» аталмиш идора ходимлари хам бу посбонларни кўрганларида кулук килиб турарлар деган афсоналар хам бор. Демак, ул азизларимиз «Фарходу Ширин»ни ўқуб чикдилар ва муаллифга дедиларким: «Алишер ака, сизнинг кўп ашъорларингизни ўқиганмиз, айрим шеърларингизни санъатимиз юлдузлари кўшик килиб айтадилар. Сизга хурматимиз баланд, аммо-лекин бу янги асарингизда бир оз шошибсиз. Унда кераксиз кахрамонлар кўп. Масалан, Ёсуман хола образи. Икки севишганларни ажратувчи ёмонлар бизнинг жамиятимизда йўк. Аксинча, ким бир-бирини севиб колса, дархол тўю томошалар билан ковуштирилади. Демак, Ёсуман хола образи хаётий эмас. Ундан ё воз кечинг ё ажратувчи эмас, кўшмачига айлантинг». Хайъат ёки кенгаш ўн кишидан иборат бўлса - шу тарзда ўнта, йигирмата бўлса - йигирмата танкидий фикр айтилади-ю шоир хазратлари асарларини кўлтиклаб, минг пушаймон билан изларига кайтадилар. Беш юз йил аввал ўлиб кетганим яхши бўлган экан», деб Худога шукроналар айтадилар.

Биз таъриф килаётганимиз посбонлар хамма сохада донодирлар. Дейлик, уларнинг хукмига «Уч мушкетёр» деган роман кўлёмаси келди. Албатта, уларга Александр Дюма деган ном таниш. Гап бошлайдиларки: «Хурматли Дюма ака, аввалги асарларингиз бизга жуда-жуда ёккан. Лекин бунисида анча шошибсиз, хатто халкаро микёсдаги сиёсий хатоларга хам йўл кўйибсиз. Масалан, Франция кироличасининг аллакандай чет эл эркаги билан мухаббатини кандай изохлайсиз? Сиз муаллиф сифатида кироличанинг эрига бундай ишончсизлик билдиришга хаккингиз йўк. Сиз бевафо киролича тимсолида кимни назарда тутяпсиз? Малика Диананими? Унда Дартаньян ким? Унинг хайдовчисими? У холда асарингизда автомобил халокати хам бўлиши шарт. Асардаги сиёсий хато шундан иборатки, кироличанинг бундай бемаъни мухаббатини ўқиган ўқувчи барча кироличалар шунака экан, деган хато карорга келади. Холбуки, Европанинг кўп мамлакатларида хозир хам кироличалар яшаяптилар. Ундан ташкари давлатлар рахбарларининг аёллари хам киролича макомидадирлар. Тўгри, Россия Президенти бу масалага жиддий эътибор бермаслиги мумкин. Аммо Германия Канцлери ёки Италия Бош министри бундан ранжишлари табиий. Сиз бу асарингиз билан Германия ва Франция ўртасидаги дўстлик муносабатига рахна соласиз. Ўйлаб кўринг: нима учун Франция кироличаси немис ёки итальян йигитини севмади? Асарда ортикча кахрамонлар хам бор: Арамис, Атос, Портос деганлар асарда нима килиб ивирсиб юришибди. Хамма вазифани Дартаньянга юклайверинг ва асарни жиддий равишда кискартирсангиз, ундан ширингина хикояча чикиши мумкин. Кейин асарни кўчиришда

хато хам ўтибди, сиз бунга эътибор бермабсиз. Биз «мушкетёр» деганингизга тушунмадик. Аслида «Пушкатёр» бўлса керак. Яъни, «пушкада отувчи», шундайми? Умуман, хозирги ёзувчилар калта ўйладиган бўлиб қолишган. Мана, ўтган ҳафтада Лев Толстой деганлари ёстикдай китоб кўтариб келди. Бошқа гап қуриб қолгандай унда ҳам муҳаббат машмашаси. Анна Каренинова деган хотин биттасига ишқибоз бўлиб қолади. Во ажаб, агар хотин юраман, деса бўйдоқлар қамми? Яна ўзини поездга ташлайди. Бу қанақаси? Бу китобни ўқиган хотинлар Карениновага тақлиб қилиб, поездга ташланаверишса, поездлар графиги бузилиб, халқ хўжалигига зарар етмайдими? Хуллас, Дюма акажоним, сизга маслаҳат: кўп ўқинг...»

Бу маслаҳатлардан сўнг Александр Дюманинг ахволини тасаввур қилаверинг. Айтинг-айтинг, у дунёда ҳам «хайъат» ва «кенгаш» деганлари бўлмасин-да...